Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

● № 162 (10.158). ● 1991 йил 22 август ● пайшанба ● Баҳоси 8 тийин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Мамлакатда юзага келган ижтимоий-сиёсий вазиятда ва СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитети тузиш тўғрисидаги қарорга кўра, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар раҳбарлари иштирокида 1991 йил 20 августда бўлган қўшма мажлисининг баёнотига мувофиқ, шунингдек ижроия, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда бошқа ҳокимият ва бошқарув органларининг ишларида зиддиятларга йўл қўймаслик мақсадида қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

1. Ўзбекистон ССР ҳудудида ҳокимият ва бошқарув идоралари, корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг қабул қилган барча қарорлари ва уларнинг ижроси СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларига ҳамда Қонунларига, Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонларига, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши билан Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишларига сўзсиз мос келиши керак.

2. СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитетининг СССР Конституцияси ҳамда Қонунларига, Ўзбекистон ССР Конституцияси ҳамда Қонунларига зид келадиган Фармонлари ва қарорлари ҳақиқий эмас, деб ҳисоблансин.

Мазкур Фармон имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

21 август, 1991 йил.

Қишга ким қандай тайёргарлик кўрмоқда?

ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШ БЎЛМАЙДИ

КОММУНИСТИК РАЙОНИДАГИ «ЛЕНИНСКИЙ ПУТЬ» ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ БОШҚАРУВИНИНГ АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ТАЖРИБАСИДАН

ҲОЗИРГИ шароитда истиқболни ўйлаб иш юритганларгина ютади. Гап шундаки, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида жамоа ва шўро хўжаликларининг «ўз араваларини ўзлари тортишларига тўғри келмоқда. Энди илгаригидек «қўш арава»лар ёки «бюджетдан ажратиб бер» деган гаплар бўлмайди. Шундай бўлгач, қишлоқ аҳлининг моддий ва маънавий таъминотини яхшилаш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширган хўжаликлар ҳеч қачон доғда қолмайдилар.

Коммунистик районидаги «Ленинский путь» жамоа хўжалиги бу борада ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда хайрли ишларни қилмоқда. Бундан халқнинг кайфияти кўтарилиб, меҳнат унумдорлиги ҳам ортиб бормоқда. Энг асосийси, нарх-наво ошиб бораётган вақтда уларга бир қанча енгилликлар яратилмоқда. Хўжалик раиси Абдуқодир ҚОРЖОВОВ билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

— Абдуқодир ака, вазиятдан келиб чиқиб, қилинаётган яхши ишлар ҳақида сўзлашсак...

— Модомики, ҳозирги қийин шароитда халқингнинг эртанги кунини ўйламасдан узоққа бориб бўлмайди. Шунинг учун йил бошида икки йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқдик. Биз иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши жараёнида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида, дастлаб ишни уларнинг ойлик маошларини оширишдан бошладик. Ҳар бир колхозчининг ойлиги 20 фоизга оширилди. Тўғри, бу бозор олдида кам, лекин бунга қўшимча озиқ-овқат, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашни йўлга қўйсак, деҳқонларга анча енгиллик яратамиз, деб фикр юритдик. Ҳисоб-китобимиз тўғри чиқди. Келинг, яхшиси мисоллар келтираколай. Ўтган йилда қўйилган дастлабки қадамдан бошламоқчиман. Ички имкониятларимизни ҳисобга олган ҳолда ўтган хўжалик йилида халқимизга 180 тонна шоли тарқатилди. Ҳар бир колхозчига ўртача 200—250 килограммдан тўғри келди.

— Бу яхши, лекин кўпчилик, хусусан от-уловсиз кишилар шолини гуручга айлантиришда қийналиб қолишмасмикан?

— Йўқ, қийналишмайди. Чунки бизда шолини тортадиган тегирмон бор. Ишлаб турибди. Ундан одамлар навбати билан фойдаланмоқдалар. Тегирмонимизнинг яна бир қулайлиги гуручнинг майдаси — оқшоқни туйиб талқон қилиш имконияти ҳам бор. Талқонни эса хуш кўрмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Дастурга биноан бу йил ҳам 300 тонна шоли колхозчиларга берилади. 21 гектарга мош экканмиз. Парвариши кўнгилдагидек ўтказилди. Ундан 25 тонна ҳосил йиғиш кўзда тутилмоқда. Бу ҳам ҳар бир кишига 15 килограммданга тушади. Бундан ташқари егулик учун картошка етиштирямиз. Йил охиригача аҳолига 200 тонна картошка ва пиёз сотиш кўзда тутилган. Шу кунгача картошканинг 30 тоннасини сотдик. Буларнинг нархи бозорда 1,5—2,5 сўм бўлиб турган бир пайтда бизда 70 тийиндан ошмайди. Пиёзнинг баҳоси ҳам шунга яқин. Ҳар бир ишловчига 20 килограммдан сабзи ҳам берилмоқда.

— Меҳнаткашларга енгилликлар яратиш борасида бевосита жумҳурият Президентининг фармонлари ҳам қўл келаётган бўлса керак.

— Албатта-да, аҳолининг деярли 80 фоизи тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаб бўлинди. Кейинги икки йил давомида 42 гектар суғориладиган ер аҳолига томорқа сифатида ва уй-жой қуриш учун ажратилди. Одамларнинг томорқа ерларига экин экиб, унумли фойдаланишларини назорат қилиб турибмиз. Янги ҳовли жойга кўчиб ўтилгунга қадар ҳам ҳосил етиштиришни шарт қилиб қўйганмиз. Лекин ҳамма жойда бўлгани каби бизда ҳам томорқалардан одамлар тўлиқ фойдаланаяпти, деб бўлмайди. Бунинг олдини олиш, оралиқ экинларни кўпайтириш учун тушунтириш ишлари олиб борилянпти. Ер олганлар ундан фойда олсинда. Ер ҳазинаку!

Уй-жой қураётганларга эса қўлдан келганча ёрдам бераяпмиз. Хом ғишт ишлаб чиқарадиган цехимиз бор. Йилига одамларимизга 200—300 минг дона хом ғишт бериш имкониятимиз мавжуд. Аҳолига бошқа қурилиш материалларини етказиб беришда эса бартер усулидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Челябинск вилояти билан шартномаларимиз бор. Улар бизга ёғоч етказиб беришса, биз уларга пиёз жўнатамиз. Чорваси бор оилаларга ем-хашак бериб турибмиз. Ўтган йили 800 тонна ем-хашак ва 160 тонна макка дони аҳолига тарқатилган бўлса, бу йил 400 тонна сенаж, 100 тонна кўк озуқа, 850 тонна силос, 120 тонна маккажўхори дони ва 150 тонна сомон навбати билан берилмоқда. Одамларимизга фермонда кўрсатилган миқдордан кўпроқ буғдой тарқатдик. Ҳозир бозорда гўштнинг нархи анча қиммат. Деҳқонларга бир қадар енгиллик яратиш мақсадида шу кунгача ҳар бир колхозчига 4—5 килограммдан гўшт берилди. Келгуси ойларда яна шунча миқдорда гўшт беришни режалаштирганмиз. Нархи 7 сўмдан бўлади. Бу ҳарқалай яхши-да.

— Албатта. Мана қиш ҳам яқинлашмоқда. Аҳолини озиқ-овқат ва мева-чева билан таъминлаш учун қандай ишлар амалга оширилянпти?

— Маҳсулотларнинг тақчиллиги қиш пайтида кўпроқ билинади. Хўжалигимизда 150 тонна мева-сабзавот маҳсулотлари сақланадиган омборхонамиз бор. Барча совутиш жиҳозлари ўрнатилган. Сақланаётган мева-чевалар мунтазам назорат қилиб турилади. Бундан ташқари хўжалигимизда ташкил қилинган «Гермес» кичик қурилиш корхонаси билан мева-сабзавотларни қайта ишлаш цехини қуриш ишларини бошлаб юбордик. Ана шу цехда қайта ишланадиган маҳсулотларни керакли бўлган лойиҳалар билан таъминлаш мақсадида Жанубий Сахалиндаги «Автодорснаб» корхонаси билан шартнома туздик. Келгусида хўжаликда унинг филиали иш юритади. Шу ишни жорий этсак хўжалик бундан катта фойда олади. Бу бир томондан аҳолини иш билан таъминласа, иккинчи томондан озиқ-овқат маҳсулотига бўлган эҳтиёжларини қондиради. Яна шуниси диққатга сазоворки, ушбу корхона бизга денгиз маҳсулотлари ҳам етказиб беради. Ҳозирги кунда ҳамма ҳам дўкондан талонга берилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини ололмаяптими? Буни ҳал қилиш мақсадида матлубот жамияти ва қишлоқ Совети ҳамда хўжалик бошқаруви ҳамкорликда иш юритмоқдалар. Бу тадбир тақсимотдаги нохушликларнинг олдини олишда қўл келаяпти.

«Ленинский путь» жамоа хўжалиги Тошкент шаҳрининг биқинида жойлашган. Ҳар қандай киши бу ердаги одамларнинг ишлаш ва яшаш тарзларини солиштириши табиий ҳол. Қандай афзал ва ноқулай томонлари бор. Маош ва дам олиш масаласи қандай? Жамоа хўжалигида бўлганимизда ўз кўзимиз билан кўрганларни бирмабир санаб ўтмасдан хулосамизни айтиб қўяқолайлик. Қишлоқ кўчалари, одамлар яшаётган уйлар, марказдаги маданий дам олиш бинолари, шаҳар кўрик ва манзараларидан қолишмайди. Бемалол рақобатлашади. Хўжаликнинг ҳамда меҳнаткашларнинг иқтисодий аҳволи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Чунки бу ерда ўз ишининг усталари бўлган деҳқонлар, ҳисобчилар, ўз касбига меҳр қўйган ёшлар меҳнат қилишмоқда.

Х. ШАФОАТОВ,
Ҳ. СУЛАЙМОНОВ.

МАКТАБ ВА МАҲАЛЛА

Киров районидаги «Улуғбек» маҳалласи клуби 51-мактабнинг ёнгинасида. Мактаб ҳовлисидаги майдонча, спорт зали ёшлар ихтиёрига берилди. Маҳалла ёшлари спорт залини таъмирлаш ишларини ўзлари жамоатчилик йўли билан бажардилар. Кўчада беҳуда вақт ўтказиш ўрнига турли спорт машғулотлари билан шуғулланадиган бўлишди.

Ёшларга машҳур чарм қўлқоп устаси Руфат Рисқиев, спорт усталари Босит Аъзамов, Баҳодир Эшматов кабилар бош-қош бўлмоқдалар. Ота-оналар ўз фарзандларидан кўнгиллари тўқ. Уларни истаган пайтингизда мактабдан топишингиз мумкин. Маҳалла комитетининг раиси А. Мансуров, раис ўринбосари С. Эшоновлар 40-45 йил муаллимлик қилишган фахрийлар. Бу эса таълим-тарбия ишига жуда ёрдам бераяпти.

С. СУЛТОНОВ.

• Пири—бадавлат кишиларимиз



СУРАТДА: Юсуфали Солиҳов.

Суратқаш В. ТУРАЕВ.

ОТА

Хонадонда бизни биринчи бўлиб келинлар қарши олишди. Чеҳралари очиқ, бири-биридан чаққон. Биттаси кўрпача ёзишга шошилса, иккинчиси чой қўйишга ўнаб кетди. Ҳовли ҳам худди уларнинг қиёфаларига ўхшаб кулиб турипти. Саранжом-саришта. Ишкомларда товланаётган узумлар, ҳар бири пиёладек келадиган ҳосилини аранг кўтариб турган шафтолилар бу манзарага файз киритган. Елибюгуриб бир зумда ҳамма нарсани муҳайё қилган овсинлар — Мунирахон ва Лолахон, Марҳаматлардан Юсуфали отани сўрадик.

— Дадам шу ердалар, ҳозиргина ишкомларни айланиб, гулзор томонга тушиб кетувдилар, боғга ўзлари қарамасалар кўнгиллари тўлмайди. Барака топсинлар, ҳалигача хомток борми, уларни тараш борми, гулларга ўғит бериш борми қилаверадилар,— деди улардан бири. Кейин кирган заҳотимиз биз билан сўрашган йигитга қараб:

— Баҳодир, чақириб келақолинг, меҳмонлар келишди денг, — дея илтимос қилди.

Кўп ўтмай тўқсондан ошганига қарамай, ҳамон тик қоматли, қадамлари шахдам, чеҳраси нурли отахон билан кўришдик...

Юсуфали отанинг бутун умри элга хизмат қилиш билан ўтди. Болалик, ўсмирлик йилларидаёқ отасининг ёнига кириб, деҳқончилик қилди. Кейин бир амаллаб саводини чиқариб олган ёш йигитчани комсомол ўз бағрига олди, тоблади, вояга етказди. Шундан сўнг масъул лавозимларга ишга йўллади. Ю. Солиҳов Тошкентнинг Эски шаҳар район комсомол қўмитасида, республика ишчи-деҳқон инспекциясида, Тошкент, Юқори Чирчиқ районларининг партия ва совет идораларида, республиканинг юқори муассаларида ишлаганида ҳам Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро вилоятларининг партия, Совет, хўжалик органларида фаолият кўрсатганда ҳам, заҳматкашлиги, фидойилиги ва ҳалоллиги билан қадр-қиммат топди.

Сўнгги йиллар мобайнида Тошкентдаги бир қатор районларда давлат суғуртаси ташкилотларида хизмат қилди. Кейин отани иззат-икром билан пенсияга кузатишди.

Юрагида одамларга меҳр-муҳаббат, билагида ғайрат бўлган одам тинч ўтиролмас экан. Юсуфали ота ўзи истиқомат қилаётган Тошкент районидаги Гулистон қишлоқ Кенгашининг Ленин участкаси маҳалласини обод қилишга, эл мушкулини осонлаштиришга киришди. У ўзи каби жонкуяр фаолларни ёнига олиб, автобус қатновини йўлга қўйиш, кўчага асфальт ётқизиш, медицина хизматини яхшилаш, аҳолини водопровод сувидан баҳраманд қилиш ишларига бош-қош бўлди.

Ёшлар бирон-бир тадбир уюштириладиган бўлса, ота билан албатта маслаҳатлашадилар. У тўйларни сермазмун, файзли, ихчам, маросимларнинг тартибли ўтказиш борасида алоҳида жон куйдиради. Маҳаллада қадрлаб уни ота дейишгани ҳам шундан.

Юсуфали ота фарзандларини эл-юртга фойдали инсонлар қилиб вояга етказган пири-бадавлат оила бошлиғи сифатида ҳам эътибор қозонган. Унинг қизлари Кимё, Нафисалар ҳозир пенсияда. Ўғиллари Сайдали — «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасида, Тўлқин, Саидвалилар — «Миконд» заводида йирик мутахассислар бўлиб хизмат қилмоқдалар. Озода — ҳамшира.

Ҳар бир байрамда, айниқса, ҳайитларда ота ўттиз олти набираси, 29 нафар чевараси оғушида бўлади. Набира келинларнинг бу нуроний қайноталарига бўлган меҳрибонлигини айтмайсизми. Фарзандлари — ҳаётининг мазмуни, умр йўлининг давомчилари, таянчи, фахри. Улар отани доимо эъзозлайдилар.

С. ВАЛИЕВ.

Сиз нима дейсиз, муштарий?

Маълумки, бу йилги обуна ҳаётимиздаги иқтисодий қийинчиликларни тўлиқ ўзида акс эттиради. Бироқ ҳаёт фақат ейиш-ичишдан иборат эмас-ку! Содиқ муштарийларимиз буни тўғри англаб, севимли рўзномалари «Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишни бошлаб юборишди. Шу билан бирга рўзноманинг янада жонли, қизиқарли бўлиши учун жон куйдираётганлар ҳам анчагина. Муҳарририят бундан кейин ҳам иш фаолиятида муштарийлар таклифларини, фикрларини эътиборга олади, албатта. Бу эса ўйлаймизки, рўзномамизнинг ҳар бир хонадонда севимли суҳбатдош, дил очар ҳамроҳ, суянчиқ ҳамда дардкаш бўлиб қолишига ёрдам беради. Муштарийлар фикр-мулоҳазалари билан сизни таништирар эканмиз, сизлардан ҳам таклифлар битилган мактубларни кутиб қоламиз.

Неъмат ОЧИЛОВ, Чиноз район Карл Маркс номли шўро хўжалиги боғбони:

— Худди ўтган йилгидек, бу йил ҳам «Тошкент ҳақиқати»га биринчилардан бўлиб обуна бўлмоқчиман. Чунки рўзномада ёритиладиган мақолалар, шеъру ҳикояларни ўқиш менинг севимли машғулотим. Рўзнома саҳифаларида вилоятимиз ёшларига кенгроқ ўрин берилса, айниқса ижодкорларга, ўйлайманки, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Баҳриддин ҚУШМОНОВ, ТошДД талаби:

— Рўзномадаги «Ўйингоҳ», «Замон ва ёшлар» саҳифалари жуда ўқимишли чиқаяпти. Айниқса, шанба сонларини кўпчилик интизорлик билан кутади. Ўзим ҳам рўзномани мунтазам ўқиб бораман. Шу ўринда баъзи бир таклифларим бор эди. Рўзнома даставвал халқ учун хизмат қилсин. Унинг минбарига айлансин. Бунинг учун эса кўпроқ халқимизнинг кундалик муаммолари, ташвишлари мунтазам ёритиб борилса. Кейинги пайтда ўзбек саҳнасида кўплаб «юлдузлар» пайдо бўляпти. Шулар билан суҳбатлар уюштирилса...

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, «Прометей» қидирув гуруҳининг раҳбари:

— Рўзнома саҳифаларида Улуғ Ватан уруши иштирокчилари, қарияларимиз, фахрийларимиз ҳақида кўплаб мақолалар берилаётгани, уларнинг ишлари, ҳаёти билан таништириб борилаётгани айниқса, менга манзур бўляпти. Халқимиз озодлиги учун жон олиб, жон берганлар фронт ортида кунни-кун, тунни-тун демай меҳнат қилганлар борган сари орамизда камайиб боряпти. Улар ҳақида бундан кейин ҳам шу йўсин мақолалар бериб борилса, барча муштарийлар учун айни муддао бўлар эди, деб ўйлайман.

Рамзиддин АБДУЛЛАХУЖАЕВ, Калинин райони:

— Коммунистлар фаолияти, партия сиёсати ҳақида яна кўпроқ ёритилса ёмон бўлмасди. Чунки ҳозирги кунда партия мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг халқ орасида олиб бораётган ишларини янада яхшилаш учун ҳали кўп ҳаракат қилиниши керак. Бу масалада рўзнома бизга ёрдамчи бўлиб қолади, деган умиддамиз...

Мана, баъзи фикрлар, таклифлар билан танишдингиз. Сиз рўзнома ҳақида нима дейсиз, муштарий?

• «ОБУНА - 92» •

Тошкент ҳақиқати

ҚАДРДОН РЎЗНОМАНГИЗГА ЁЗИЛИШНИ УНУТМАНГ!

1992 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна мавсуми бошланди. Бошқа нашрлар қатори «Тошкент ҳақиқати» рўзномасига ҳам 1 августдан бошлаб барча алоқа бўлимларида обуна қабул қилинмоқда.

«Тошкент ҳақиқати»нинг бир йиллик обуна баҳоси —25 сўм 68 тийин, ярим йилга 12 сўм 84 тийин, уч ойга эса 6 сўм 42 тийин.

Ҳурматли муштарийлар! Фурсат ғаниматлигида ўз рўзномангиз — «Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишга шошилинг!

Ф. СП—1

СССР Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

Тошкент ҳақиқати (нашр номи) 64672 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исминнинг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64672

п.в. жойи (нашр кўрсаткичи)

Тошкент ҳақиқати

(нашр номи)

обуна баҳоси — янги манзилга юбориш баҳоси — сўм — обуна сони

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исминнинг бош ҳарфлари)

КПСС Дастури лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

АНИҚ БАҲО БЕРИЛСИН

Матбуотда КПСС Дастури лойиҳаси «Социализм, демократия, тараққиёт» умумий сарлавҳаси остида эълон қилинди. Ушбу дастур лойиҳасини мен катта қизиқиш ва зўр ҳаяжон билан қайта-қайта ўқиб чиқдим.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бизда 1986 йилдан бери жуда кўп лойиҳалар умумхалқ муҳокамасидан сўнг қабул қилинди. Афсуски, муҳокама чоғида билдирилган кўпгина фикр-мулоҳазалар бу лойиҳалар қабул қилинаётган пайтда ҳисобга олинмади. Ўйлайманки, юқоридаги камчилик бу сафар бартараф этилади.

Дастур лойиҳаси истиқболдаги иш режаларимиз, келгусида рўёбга чиқиши керак бўлган мақсадларимизнинг ифодаси бўлиб у айни вақтда амалга ошириладиган ишларимизнинг натижаларига бевосита боғлиқдир. Ҳаммамиз иш одамларнинг эътиқодига, ҳаракатларига, онгли уюшқоқлигига боғлиқлигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Лекин айни вақтда уюшқоқлик ва ягона мақсад сари интилишда ҳамфикрлилик етишмай турибди.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида 1991 йил тасдиқланган ушбу лойиҳада ҳам бир қанча номутаносибликлар бор. Истиқболни кўзловчи режалар йиғиндиси бўлган бу ҳужжатда реал имкониятлар тўлиқ ҳисобга олинмаган. Энг аввало, ҳозирги даврга етарлича партиявий баҳо берилмаган. Дастур лойиҳасида мамлакатимиз тарихи кўп таҳлил қилинган. Бироқ ҳозирги сиёсий аҳвол эътибордан четда қолган. Жамиятимизда биз назарда тутмаган муаммолар, турли кўринишдаги салбий ҳодисалар, миллатлараро можаролар, иш ташлашлар бўлиб ўтди. Бошланғич партия ташкилотларининг мавқеи жойларда анчагина пасайиб кетди. Ана шу салбий ҳодисаларга аниқ ва холисона баҳо берилмаган.

Лойиҳада социалистик, яъни умумхалқ мулки бўлган давлат мулкини биринчи ўринга қўйиш зарур эди. Аслида хусусий мулк, шахсий манфаат биринчи ўринга қўйилган. Капиталистик мамлакатлардан ўрганиш деганн улардан андаза олиш деганн эмас-ку! Бизда хусусий мулкни кўпайтириш учун умумхалқ мулкидан кўпроқ юлиб олишга, суиистеъмолликларга йўл қўйиляпти. Мустақиллик ва ўз-ўзини бошқариш шиори эса назоратсизлик шиорига айлантириб қўйилди. Дастур лойиҳасида булар ўз аксини топиши, муносиб баҳо берилиши керак эди.

Ҳ. ОМОНОВ,
Оржоникидзе райони,
Салор қўрғони.

● КПССнинг янги Дастури лойиҳаси меҳнат жамоаларида, ташкилотларда кенг муҳокама қилинаяпти. Сиз кўриб турган суратда ҳам шундай лаҳзаларнинг бири акс этган. Бўка районидаги «Партия XIX съезди» жамоа хўжалиги партия ташкилотининг котиби А. Ғойипов пахтакорлар билан лойиҳа тўғрисида суҳбат ўтказаяпти.

Суратка ш В. ТУРАЕВ.

«ЁШ КОММУНИСТЛАР МАКТАБИ» ИШ БОШЛАДИ

Пискент район партия ташкилоти қошида қайта тикланган «Ёш коммунистлар мактаби»да машғулотлар бошланди. Машғулотларга бир вақтлардагидан фарқли ўлароқ ҳар томонлама тингловчиларни қизиқтирадиган масалаларни киритишга ҳаракат қилинаяпти.

Яқинда бўлиб ўтган машғулотда вилоят партия комитети мафкура бўлими лектори Ш. Ғ. Яхьёевнинг «Ҳозирги шароитда ҳар бир коммунистнинг ҳаракат Дастури» тўғрисидаги маърузаси ёш коммунистларнинг қизғин баҳс-мунозарасига сабаб бўлди. Район партия комитетининг котиби Ҳ. У. Акромовнинг маърузаси ҳам тингловчиларда катта таассурот қолдирди. Бўлиб ўтган савол-жавобларда қайта қуриш бошлангандан бери ўтган олти йилда партия ишидаги ўзгаришлар, кўппартиявийликнинг вужудга келиши ва бу партияларнинг мақсади ва амалий ишлари ўртасидаги тубсиз жарлик ҳақида турли хил фикрлар айтилди.

Шунингдек, КПСС сафларининг ўсиши ва партиядан чиқаётган кишилар тўғрисидаги масала ҳам катта мунозараларга сабаб бўлди. Коммунистик партия ёрдамида ўсиб вояга етган, обрў топган, раҳбарлик лазовимида бўлган, лекин қайта қуриш давридаги қийинчиликларга дош беролмай шахсий манфаатларини устун қўйиб партия сафини тарк этаётганларга муносиб баҳо берилди.

Машғулотда бу ҳақда батафсил фикр юритилди. Райондаги ижтимоий-сиёсий аҳволга ҳам етарлича тўхталиб ўтилди. Фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун район партия комитети, халқ депутатлари район Кенгаши, жойлардаги жамоа ва шўро хўжаликларидаги бошланғич партия ташкилотлари кўраётган чоратадбирлар билан таништирилди. Яқинда Қозоғистон ССР, Олмаота вилоятининг Уйғур райони билан имзоланган шартнома бунга далил қилиб келтирилди.

Уйғур райони билан тузилган шартномага кўра район меҳнаткашлари қозоқ бирадарларидан 1000 тонна маккажўхори дони, 100 тонна уруғлик маккажўхори, 300 тонна буғдой, 10 тонна беда уруғи, 1000 тонна омухта ем, 20-30 тонна мол ва 30 тонна парранда гўшти олади. Уйғурликлар турли хил қурилиш материаллари ҳам етказиб беришади.

Район деҳқонлари эса қозоғистонликларга 200 тонна помидор, 20 тонна узум, 30 тонна карам, 300 тонна қовун-тарвуз ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беришади. Шартноманинг бажарилишни таъминлашни коммунистлар ўз зиммаларига олишган.

Машғулотда бошқа мавзуларга бағишланган савол-жавоблар, мулоқотлар бўлиб ўтди. Умуман, «Ёш коммунистлар мактаби»нинг дастлабки машғулоти тингловчиларга бой назарий ва амалий билимлар олишларига ёрдамгина бериб қолмай, уларнинг олдидаги долзарб вазифалар ни ҳам кўрсатиб берди. Шу сабаб ҳам бу машғулот ёш коммунистларда катта таассурот қолдирди.

Б. НИЕЗОВ,
район партия комитети ташкилий партиявий ишлар бўлими мудири ўринбосари.

«ОБУНА-92»

ИШЛАРНИ ТЕЗЛАШТИРИШ КЕРАК

ВИЛОЯТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ШТАБНИНГ НАВБАТДАГИ КЎЧМА МАЖЛИСЛАРИ ҒАЛАБА РАЙОНИ ВА ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТДИ.

ҒАЛАБА районида бўлиб ўтган штаб йиғилишида ижроия қўмиталар, бўлим ва бошқармалар ҳамда колхоз, совхозлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Унда социал-иқтисодий ривожлантириш режалари, кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши қониқарли эмас, деб баҳоланди. Шунингдек, бир қатор халқ хўжалиги ва ижтимоий хизмат кўрсатиш объектлари ишини бир маромда таъминлаш борасида ҳам ишлар талаб даражасида эмаслиги таъкидланди.

Штаб аъзолари асосий диққат-эътиборни мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари қурилиши ҳамда таъмирлаш масалаларига қаратдилар. Хусусан, Ғалаба районидаги Киров номли колхозда болалар боғчаси қурилишидаги камчиликларни тугатиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, мактабларни мавсумга тайёрлашда орқада қолинаётганлиги сабаблари ўрганиб чиқилди.

Вилоят штаби вилоят матлубот жамиятлари уюшмасига (М. Зокиров) шахсий уй-жой қурувчиларни етарли миқдорда қурилиш материаллари билан таъминлашни назорат остига олиш вазифасини топширди. Бир қатор қўрғон ва қишлоқлар аҳолисини кўмир билан таъминлашга диққат-эътиборни кучайтириш, шунингдек аҳолига газ плиталари ва қувурлари сотишни кенгайтириш лозимлиги қайд этилди. Вилоят уй-жой коммунал хўжалик бўлими (Х. А. Аҳмедов)га Ғалаба районидаги уй-жойларни капитал таъмирлаш юзасидан белгиланган режани бажаришни тезлаштириш вазифаси топширилди.

Мажлисда бундан ташқари чорва қишловига тайёргарлик, чорвачилик фермаларини ва бошқа қишлоқ хўжалик объектларини таъмирлашдаги муаммолар ҳақида ҳам гапирилди. Сабзавот ва мева тайёрлаш, бу маҳсулотларни сақлашдаги аҳвол таҳлил этилди.

Вилоят штаби район раҳбарларига, ташкилотлар ва хизмат кўрсатиш муассасаларига бу камчиликларни қисқа муддатда бартараф этиш, кузги-қишки мавсумга тайёргарлик юзасидан ажратилган барча маблағлардан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш, социал, маиший хизмат объектларини ўз муддатида битказиш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

Йиғилишда бир қатор совет ва хўжалик раҳбарларининг ишга ижодий ёндошаётганликлари, ички имкониятлардан фойдаланаётганликлари ҳам таъкидланди. Масалан, районда саноат ва маъмурий биноларни болалар боғчалари ҳамда поликлиникалар учун ажратилганлиги қўллаб-қувватланди.

Штаб йиғилишини халқ депутатлари вилоят Кенгаши ижроия қўмитасининг раиси Э. М. Рўзнев олиб борди ва якунлади.

* * *

ХАЛҚ депутатлари вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Л. П. Тернович бошчилигида Янгийўл шаҳрида бўлиб ўтган штаб йиғилиши ҳам жонли бўлди. Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш юзасидан шаҳарда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Кенгаши ижроия қўмитасининг раиси Й. Э. Йўлдошев ахборот берди. У жумладан, уй-жойларни, социал-маиший хизмат кўрсатиш объектларини капитал ва жорий таъмирлаш режалаштирилган муддатларда амалга оширилаётганлигини айтди. Фақатгина бутловчи ва бошқа материалларнинг танқислиги сезилмоқда. Масалан, Наврўз даҳасида қувурларнинг етишмаётганлиги иситиш ва газ тармоқларини ремонт қилиш сифатига салбий таъсир этмоқда. Файзобод ва Заря даҳаларида қурилиш материалларининг етишмаётганлиги сабабли болалар боғчалари ва поликлиникаларни қишга тайёрлаш чўзиб юборилмоқда. Бундан ташқари корхона ва ташкилотларга қарашли уй-жойлардаги аҳвол ҳам қониқарли эмас.

Янгийўл шаҳрини электр билан таъминлашни яхшилаш учун электр станциясига 2 та трансформатор зарур. Қозонхона ва иссиқлик тармоқларини таъмирлашни ҳам жадаллаштириш талаб этилади. Маърузачи бу муаммоларни фақатгина вилоят бошқармалари билан ҳамкорликда ҳал этиш мумкинлигини айтди. Штаб булар юзасидан тегишли топшириқлар берди.

Йиғилишда шаҳар ижроия қўмитаси ва шаҳардаги хизматлар ва ташкилотларнинг айби билан қишки мавсумга савдо ва умумий овқатланиш тармоқларини тайёрлаш чўзилиб кетаётганлиги танқид қилинди. Ахир ҳозиргача фақатгина мавжуд дўконларнинг 30 фоизи қиш мавсумига тайёрланганлигини қониқарли деб бўлмайди-ку! Шунингдек, бу тармоқларда сабзавот ва мева тайёрлаш, сақлаш ҳам қониқарли эмас.

Штаб аъзолари шаҳарда ўқув юртларини янги ўқув йилига тайёрлаш қониқарли эканлигини таъкидлашди.

Штаб кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

МУНОЗАРАГА бой бўлган бу учрашув Ўрта Чирчиқ районида бўлиб ўтди. Бу гал биз ҳар қачонгидек обуна мавсумини уюштиришда жонбозлик кўрсатадиган бир гуруҳ фаолларимиз билан гаплашиб олдик. Улар «Тошкент ҳақиқати»га ёзилишни уюшқоқлик билан ташкил этиш борасида сўз юритганлари ҳолда, ўзларининг мулоҳазалари, танқидий қарашлари, таклиф ва истакларини ҳам баён қилдилар. Қуйида доимий муштарийларимизнинг ана шу даврадаги фикрларини эътиборингизга ҳавола этамиз.



Мирзамурод ИКРОМОВ,
район партия комитети биринчи котиби, район Кенгашининг раиси:

— «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» саҳифаларида бу йил районимиз ҳаётидан турли мавзуларда салмоқли мақолалар босилди. Хусусан, жамоа хўжаликларининг иқтисодий аҳволини таҳлил қилишга бағишланган материаллар, аҳолининг ижтимоий турмуш тарзи борасида яратилган қулайликларни ифодаловчи ахборотлар бунга мисол бўла олади. Айни пайтда рўзнома ходимлари иштирок этаётганларидан фойдаланиб шуни айтмоқчиманки, дала меҳнаткашлари, эрта тонгдан кечгача тер тўкадиган пахтакорлар ҳақидаги илиқ мақолаларни янада кўпайтириш керак. Айни пайтда тарбиявий мавзуга оид материалларни фақат шанба сонларида эмас, бошқа сонларда ҳам ўқиш истагида эдик. Обуна масаласига келсак, биз бу ишга киришдик, ҳар йилгидек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоа хўжаликларининг партия ташкилотлари котиблари, қишлоқ Кенгашлари раислари, алоқа ходимлари бу борадаги асосий кўмакчиларимиз бўлиб қоладилар. Мавсумни талабдагидек уюштириш эътиборимизда бўлади.



Мираъзам МИРСОАТОВ,
паррандачилик фабрикаси директори:

— Кейинги йиллар ичида ганмиз, ёзиламиз ҳам. Аммо ундан бироз хафароқмиз. Ҳайдовчилар ҳақида негадир кам мақолалар берилади. Биз рулда ўтирган илғор кишиларимизнинг суратларини рўзнома саҳифаларида кўришни хоҳлар эдик. Уларни бундай рағбатлантириш яхши самара беради. Мақолалар, суратлар ҳайдовчиларнинг оилаларига ҳам қувонч бағишлашига ишонаман. Инсоннинг кайфияти юқори бўлса, иши унади. Шунинг учун яна бир бор илтимосим, корхонамизга мухбирлар келиб туришсин.

Эркин ОРИПОВ,
район марказий касалхонаси бош врачи:

— Шу йилнинг ўзида Оққўрғон, Тошкент, Бўка районлари марказий касалхоналари иш тажрибалари «Тошкент ҳақиқати» саҳифаларида яхши ёритиб берилди. Рўзнома қатор районларда оғалик ва болаликни муҳофаза қилишга тириб юборди. Бизнинг районимизга келинглар, қишлоқларга олиб чиқаман. Ариқлардаги ифлосланиб кетган сувларни кўрсатаман. Биз бундай лоқайдликка қарши биргалашиб курашсак, натижа бериши мумкин.

Яна шуни ҳам айтай, шифокорларимиз «Тошкент ҳақиқати»ни ўқиб борадилар. Баъзан оилалар мавзусида босилган мақолалар юзасидан баҳслашиб ҳам қоламиз. Бу, албатта, рўзноманинг қизиқарли чиқаётганидан далолатдир. Шу муносабат билан келгуси йил учун, албатта, обуна бўламиз деб дадил айтаман ва бундан кўнглингиз тўқ бўлсин.

Бизнинг соҳамиздаги янгиликларни ҳозиржавоблик билан ёритилаётганлиги билан хурсандмиз. Рўзномага фақат ана шунинг учунгина ёзиламиз, деяётганим йўқ. Хизматчиларимиз «Тошкент ҳақиқати»даги кўп материалларни ёқтириб ўқийдилар. Масалан, қизиқ-қизиқ ҳангомалар, спорт хабарлари, тиббиётга оид маслаҳатлар шулар жумласидандир.

Ўйлайманки, «Тошкент ҳақиқати» бундан буён ҳам бизни зериктириб қўймайди. Шунга жавобан матлуботчилар рўзномага фаоллик билан обуна бўладилар.

Яшин АМИРОВ,
Энгельс номли жамоа хўжалиги партия комитети котиби:

— Хўжалигимизда рўзномаларни хонадонларга етказиб бериш яхши аҳволда эмас. Почта кўнгилдагидек ишламайди. Баъзан, рўзномалар йиғиб-йиғиб олиб бориб берилади. Ҳар йили бу ҳақда гапирамиз, лекин аҳвол ўзгармаяпти. Бундан обуначилар норози. Агар шунақа бўлаверса, ишимиз яна қийинлашади.

Лекин бу деган сўз биз қўл қовуштириб ўтирамиз, деган гап эмас. Ҳаракатни бўшаштирмаймиз. Рўзнома ҳар бир оиланинг яқин ҳамроҳи бўлиб қолиши учун интиламиз.



Мусахон МАМАТҚУЛОВ,
Энгельс номидаги қишлоқ Кенгаши раиси:

— Очиғини айтсам, мен «Тошкент ҳақиқати»нинг яхшигина тарғиботчисиман. Ўтган мавсумда маҳаллаларда бу борада анча иш олиб бордим. Яқинда Тельман маҳалласида яна вилоят рўзномасига ёзилиш билан боғлиқ масала юзасидан учрашув ўтказдик. Унинг самараси ёмон бўлмади. Одамлар анча илиқ фикрларни айтганлигини сизларга етказиб қўймоқчиман. Улар кўпроқ ёшларнинг ахлоқига оид материалларни ўқиш истагини ҳам билдиришди. Мен ўзим эса бир вақтлар бутун куч-ғайратини эл-юртга хизмат учун сарфлаган фидойи кишилар, кексаларимиз ҳаётидан кўпроқ ёзинглар, демоқчиман. Ўтганларни, яъни марҳумларнинг хотирасига бағишланган материалларингиздан ҳузур қиламиз. Лекин улар кам. Вилоятимизда, шу жумладан, бизнинг районимизда ёдга олса арзигудек инсонлар кўп, ахир. Уларни унутмайлик.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЁЗИЛАМИЗ

Рўзнома мухлислари Ўрта Чирчиқ районида бўлиб ўтган учрашувда шундай дейишди

рўзнома оилалар тақдири, хотин-қизлар қисмати билан боғлиқ яхши ўқимишли материаллар берди ва бермоқда. Унинг халқлар дўстлиги мавзусини доимий қилиб олганлиги ҳам менга ёқади. Чунки, миллатидан қатъий назар, ҳар ким бир-бири билан аҳил, иноқ бўлиб яшаши керак. Бу жиҳатдан «Тошкент ҳақиқати» бизга анча маънавий озуқа беряпти. Масалан, вилоятимиз билан Чимкент вилояти ўртасидаги ҳамкорликка оид материаллар бунга мисол бўла олади. Энди таклифларимни айтай, пахта йиғим-терими мавсумида вилоят районларидан фақат пахтага оид маълумотнигина ёритиб қолмасдан, сабзавот ҳақидаги маълумотлар ҳам бериб борилса яхши бўларди. Чунки биз сабзавоткор районлардаги аҳволни ҳам билиб боришни истаймиз.

Рўзнома қўшни республикаларнинг вилоятларидаги илғор тажрибаларни тарғиб қилиш борасида ўйлаб кўриши керакмикин, деган фикрдаман. Чорвачилик соҳасида, айниқса, Қозоғистоннинг қатор вилоятларидан бой тажрибалар ўрганиш мумкин. Бу эса биз учун фойдали бўларди.

Одилжон МАВЛОНОВ,
район матлубот жамияти раиси.

— Илгарилари «Тошкент ҳақиқати» ёки бошқа рўзномалар савдо ходимларини ё ҳажвияларда, ё бўлмаса, фельетонларда танқид қилаверардилар. Энди бу йўл ўзгарди. Вилоят рўзномаси аҳолига жон куйдириб хизмат қилаётган кишилар меҳнатини кўрсатадиган хабарлар, материаллар бермоқда.

панжа орасидан қаралаётганини ҳам қаттиқ танқид остига олди. Умуман, медицина мавзуси доимий эътиборда келмоқда. Мен рўзноманинг «Табиатнинг ўзи табиб» сарлавҳаси остидаги мақолаларини алоҳида таъкидламоқчиман. Ҳозирги дори-дармон етишмаётган бир пайтда бундай материалларнинг моҳияти катта.

Айни пайтда эътирозларим ҳам бор. Негадир, аҳлоқ-одоб мавзусидаги материаллар кам бериладиган бўлиб қолди. Истагим: уларни кўпайтирайлик.



Қобилжон МАВАШЕВ:
«Коммунизм» жамоа хўжалиги партия комитети котиби:

— Маълумки, обуна мавсумида асосий оғирлик партия ташкилоти котиби зиммасида бўлади. Биз бу меҳнатдан қочмаймиз. Бурчимизни бажарамиз, лекин «Тошкент ҳақиқати» бошланғич партия ташкилотлари иш тажрибаларини кўпроқ ёритиши керак. Айниқса, янгича шароитда у бизнинг доимий маслаҳатчимиз бўлиб қолсин. Рўзномада ҳудудий бошланғич ташкилотлар тузиш ҳақидаги муаммолар юзасидан материаллар ўқидик. Хўш, у қанақа бўлиши керак, қандай тузилади? Бу ҳақда эса маълумотга эга эмасмиз. Рўзнома шуларни ҳисобга олиши лозим.

Малика ХУЖАЕВА,
район «Машъал» рўзномаси муҳаррири:

— Қаерда районимиз рўзномаси — «Машъал»ни тарғиб қилсак, шу ерда «Тошкент ҳақиқати»ни ҳам, албатта, қайта-қайта таъкидлаб ўтяпмиз. Лекин бу йил обуна мавсуми ўтган йилдагидан ҳам мушкулроқ. Майли, қийин бўлса ҳам бу ишни амалга оширишга ўзимизни кўмакдош деб биламиз. Фурсатдан фойдаланиб, ҳар иккала рўзноманинг мазмунини, моҳиятини элга етказиш борасида учрашувлар ўтказаётганлигимизни қайд қилмоқчиман. Шундай давраларда «Тошкент ҳақиқати» ходимлари ҳам иштирок этишса, нур устига аъло нур бўларди.

МУҲАРРИРИЯТДАН:

Биз муштарийларимизнинг рўзномамиз ҳақида билдирган мулоҳазаларини, таклиф ва истакларини, албатта, ҳисобга оламиз. Айни пайтда улар олдида ҳали қарздор эканлигимизни ҳам яхши тушунамиз. Чунки «Тошкент ҳақиқати» журналистларининг ҳали қадами етмаган хўжаликлар, ташкилотлар, муассасалар кўп. Биз келгусида ана шу жойлардан ҳам материаллар бериб бориш ниятидамиз. Бундан ташқари район мактаблари ўқувчиларининг рўзномада ҳикоялар, шеърлар, очеркларни кўпайтириш ҳақидаги истакларини ҳам ҳисобга оламиз. Бу борада бизга «Машъал»даги ҳамкасбларимиз ҳам ёрдамлашадилар, деган умиддамиз. Мулоқотни ташкил этишга кўмаклашган ва уни олиб борган район партия котиби Исматилла НЕЪМАТИЛЛАЕВга миннатдорчилик билдирамиз.

С. ҲАСАНОВ, Б. МИРЗАҚОБИЛОВ.



Ваҳобжон ҲАЛИЛОВ,
темир-бетон буюмлари заводининг директори:

— УЗИНГИЗГА МАЪЛУМ, қайси рўзномага ёзилиш ҳар бир одамнинг ўз ихтиёрида. Лекин шуни алоҳида айтмоқчиманки, бизнинг корхонамиз ишчилари «Тошкент ҳақиқати»ни қизиқиб ўқийдилар. Масалан, мен ўзим одамларда меҳр-оқибат уйғотадиган материалларни доимо ўқиб бораман.

Қуруқ ваъда эмас, бу йил ҳам рўзномангизга ёзиламиз. Фақат бир таклифимиз бор, заводимизга тез-тез келиб турингилар. Ишчилар ҳаётидан ҳам мақолалар кўпайса, яхши бўларди. Улар руҳланишади, бу эса бизга мадад бўлади.



Акбар КОМИЛОВ,
74-автобаза директори:

— ВИЛОЯТ РЎЗНОМАСИ — «Тошкент ҳақиқати»га ёзил-

Ҳаким ОТАБОЕВ,
район санитария-эпидемиология станцияси бош шифокори:

— Тиббиётга оид мақолаларни мунтазам берилаётганидан хурсандман. Лекин рўзнома атроф-муҳитни тоза сақлаш мавзусини бўшаш-

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

МУАММОНИ ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТАЙЛИК

ЯНГИЙЎЛ НОҲИЯСИДАГИ ХЎЖАЛИКЛАРДА МАККАЖЎХОРИ ЎРИМИ ВА ПАХТА ТЕРИШ ТЕХНИКАСИ МАВСУМГА ТАЙЁРМИ?

Ҳозирги кунда хўжаликларда ёзги ҳосилни, дон ва силос учун етиштирилган маккажўхорини йиғиштириб олиш бошланяпти. Шу билан биргаликда кузги катта мавсумга тайёргарлик ишлари давом этяпти. Хўш, бу борада ишнинг бориш суръати қай даражада? Далада ва устахоналарда меҳнат қилаётганларнинг унумли ишлаши учун қандай қулай шароитлар яратилган? Техника турларини мавсумга тахт қилиб қўйишда муаммолар келиб чиқмаяптими?

...Янгийўлдаги Ленин номли жамоа хўжалигига, мана, бир неча ойдирки, **Зуҳур Шаҳрамов** раислик қиляпти. Зуҳур ака шу ерда етишиб чиққан раҳбар кадр. Раисликка сайлангунга қадар партия ташкилоти котиби вазифасида фаолият кўрсатган. Одамлар унга, у одамларга синашта. Хўжаликнинг иқтисодий аҳволи беш қўлдай маълум. У ҳозирги вазиятдан келиб чиққан ҳолда иш юритишга киришди. 1207 гектар ерга чигит, 100 гектарга дон учун, 80 гектарга силос учун маккажўхори, 161 гектарга каноп уруғи, жами 370 гектар майдонга эртаги сабзавот, 51 гектарга кечки сабзи, 9 гектарга мош, 25 гектарга кечки картошка уруғи экилди. 217 оилага иморат солиш учун жой берилган. Янги уй қурувчиларни хўжаликнинг ўзида тайёрланаётган ғишт билан таъминлашга ҳаракат қилиняпти.

Устахонадаги аҳвол билан танишганимизда эса таъмирловчи ва созловчиларга унумли меҳнат қилишлари ва ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шароит яратилмаганлиги маълум бўлди. Тўғри, тушликка овқат қилиб турилади. Кўримсиз бўлса-да, ўтириб овқатланадиган хона бор. Лекин биринчи марта қадам қўйган кишида бу жой нохуш таассурот қолдиради.

Шароитни яхшилаш ва дам олиш хоналарини дурустроқ жиҳозлашга астойдил киришилмаган. Устахона сув ҳавзаси ёнида жойлашган. Экология, атроф-муҳит муҳофазасига хавф солиниши мумкинлиги ва қурилишни амалга оширишни эиммасига олган ПМК-2 ташкилоти ишни чўзаётганлиги сабаб янги бино қад ростлаши тўхтаб турибди.

Бўлиб ўтган суҳбатда хўжалик раиси Зуҳур ака кадрлар масаласи ҳақида ташвишланиб гапирди:

— Одатда ёшлар устахонада малака ошириб, дурустроқ ҳунарли бўлгандан сўнг кетиб қолишмоқда. Бунга мисоллар кўп.

Бундай ҳол юз беришининг асл сабаби маош миқдорининг камлиги, ишлаш ва дам олиш шарт-шароитларининг кўнгилдагидек эмаслигидадир. Ёшлар қаердаки ўз меҳнатларига яраша моддий ва маънавий рағбатлантирилар экан, ўша ерда қўним топишади. Вилоятимиз комсомол қўмитаси маккажўхори ва шу каби экинларни етиштириш, йиғиштириб олишга тайёргарлик кўриш, ҳосилни тўплашни назорат қилиш, илғорларни рағбатлантиришни оталиққа олган. Катта сарф-ҳаражат ва меҳнат эвазига бунёд этилган ҳосилни тўплаб олишда ёшлар асосий куч ҳисобланади. Уларнинг кенг кўламдаги меҳнат сафарбарлигида, ғайрат-шижоат билан ҳаракат қилишида яратилган қулай шарт-шароитнинг катта аҳамиятга эга эканлигини унутмаслигимиз керак.

Хўжалик устахонасида меҳнат қилаётганлар билан бўлиб ўтган очиқ ва ошкора мулоқотда иш ҳақи билан боғлиқ бўлган муаммо борлиги маълум бўлди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, салкам ўттиз йилдан бери темирчилик касбини эъзозлаб келаётган Тошпўлат Хайдаров ўзи сингари кўп йиллик меҳнат давомийлигига ва малакасига эга бўлганларга эндигина фаолиятини бошлаганлар билан бир хил таъриф асосида ҳақ тўланишини тўғри эмас, деб айтди. Тошпўлат аканинг фикрини қўпчилик қўллаб-қувватлади. Хўжаликда пайвандчи, чилангар, электрик касбидагиларга даража (разряд) бўйича ҳақ тўлаш йўлга қўйилмаган экан. Ваҳоланки бу ерда ўн-ўн беш йиллаб бир касбда меҳнат қилаётганлар ҳам анчагина. Белгиланган маошнинг (оқладнинг) миқдори ҳам анча паст даражададир. Масалан, (слесарь) йиғувчининг иш ҳақи 110 сўм, чилангарники 110 сўм, темирчиники 110 сўм, пайвандчиники 120 сўм миқдорида белгиланган. Йил охирида эса мукофот пули олишади. Шунда ўртача бир ойлик маоши нари борса 140—150 сўмни ташкил этади. Маош миқдорининг камлигини хўжалик раиси юқоридан белгиланган норма шу, ундан ўтказиб бир нима қилолмаймиз, деб изоҳлади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЎЗНОМАСИ ВА ВИЛОЯТ КОМСОМОЛ ҚЎМИТАСИНИНГ ҲАМКОРЛИКДАГИ ТЕКШИРУВИ

Агар бошқа хўжаликларда ҳам белгиланган маош миқдори шу хилда бўлганда эътирозга ўрин қолмасди.

«Ленинизм» жамоа хўжалигининг устахонасида меҳнат қилувчи йиғувчи 1991 йил июнь ойида 132 сўм, чилангар 146 сўм, пайвандчи 170 сўм, темирчи 180 сўм иш ҳақи олган. Албатта, текширувда у кам, бу кам, фалон нарса етишмайди деб кўрсатиб ўтиш осон. Лекин юқорида келтирилган камчиликлар жамоа хўжалиги миқёсида ечимини топадиган масалалар жумласига киради.

«Ленинизм» жамоа хўжалиги (раиси Юсуфжон Толипов)да кузги йиғим-терим мавсумига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Бир чизиққа тортилган пахта териш машиналарининг дастлабки беш-олтитаси ва каноп ўриш агрегатлари тайёр ҳолга келган. Мавжуд 12 та кўсак чувиш машинасини таъмирлаш давом этмоқда. Техникани созлашда, мавжуд ички имкониятлардан фойдаланишда устахона мудири Маҳкам Исомовнинг тадбиркорлик билан иш юритаётганлиги диққатга сазовор. Бу ерда ишловчилар учун яратилган қулай шарт-шароит ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Алоҳида дам олиш хоналарининг саранжом-саришталиги эътиборни тортади. Ариқ бўйига, дарахтлар соясига ўрнатилган сўрилар унча-мунча чойхонадан қолишмайди. Таъмирловчи ва созловчилар бу ерда ҳордиқ чиқаришни жоннинг роҳати деб билишади.

Ҳозирги кунда нафақат вилоят, жумҳуриятимизда, балки Иттифоқда ҳам қишлоқ хўжалиги техникаларини зарур эҳтиёт қисмлар билан етарли миқдорда таъминлаш муаммо бўлиб турибди. Бу ҳол Янгийўл ноҳиясини ҳам четлаб ўтган эмас.

— Эътибор қилган бўлсангиз, ҳамкорликдаги текширув объекти бўлган Ленин, «Ленинизм», Ҳамроқул Турсунқулов, Назарали Ниёзов номли жамоа хўжаликларида пичоқ, шестерна сингари ўриш агрегатларининг, спиралли шпиндел, гильза, поршень сингари пахта териш машиналарининг қисмлари тақчиллиги сезилиб турибди. Етишмовчиликнинг асосий сабаби маълум техника туришини ишлаб чиқарган корхонанинг эҳтиёт қисм тайёрлаш ва етказиб беришга кам эътибор беришлигидадир. Яна бир муҳим омил техникани бошқаришда хўжаликларда малакали мутахассис ва механизаторларнинг етишмаслигидир.

Кўпинча техникани бошқаришга етарли тажрибага эга бўлмаган тракторчилар қўйиляпти. Натижада эҳтиёт қисмлар белгиланган муддатга етмасдан ишдан чиқяпти.

Умуман, бошқа соҳаларда қўлланилаётгани сингари эҳтиёт қисмларни ҳам маҳсулот айирбошлаш ҳисобига олиб келишни йўлга қўйиш керак. Хўжалик раҳбарлари ҳозирги шароитдан келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарадиган заводлар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишга ҳаракат қилишлари зарур.

Йиғим-терим мавсуми яқинлашиб келмоқда. Зарур техникаларни шай ҳолга келтириш учун белгиланган муддатга ҳам саноқли кунлар қолди. Тайёргарлик ўз вақтида ва сифатли адо этилиши мавсумнинг муваффақиятли ўтишида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Ғ. САТТОРОВ,
вилоят комсомол қўмитаси ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўрганиш бўлими мудири.
Ҳ. СУЛАЙМОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

С. ГАНДИ СИЁСАТ МАЙДОНИГА ЧОРЛАНМОҚДА

● ҲИНДИСТОН Миллий Конгресси (И) партиясининг нуфузли делегацияси фожиона фитна қурбони бўлган Ражив Гандининг беваси Сония Гандидан Аметхи округидан мамлакат парламенти депутатлигига ўз номзодини қўйишга розилик беришни илтимос қилди. Конгресс арбобларининг бундай таклифини кўпчилик, шу жумладан, қатор вазирлар қўллаб-қувватламоқдалар.

Уттар-Прадеш вилоятидаги Аметхи округи бўйича ҳамиша ҲМК (И)нинг собиқ раиси, бош вазир Ражив Ганди ўз номзодини қўйиб келган. Сўнгги сайловлар арафасида эса у бу ерда ваҳшиёна ўлдирилди. Ҳиндистон қонунларига биноан Аметхидаги сайлов кейинга қолдирилди. Энди сайловлар муддати етиб келди.

Сония Гандига ҲМК (И) раҳбари бўлиш тўғрисида бир неча бор таклиф этилди. Бироқ у сиёсат билан шуғулланишга розилик бермади. Конгресснинг келажагини ўйлашга тўғри келиб қолди. Ҳозирги бош вазир Нарасимха Раонинг ёши етмишга борди. Мудофаа вазири Шарад Павар шахси ҳам Конгресс арбобларини унча қаноатлантирмаётир.

Сония Ганди қароргоҳининг дарвозаси ҳамиша очиқ. Бу ерга ташриф буюраётган арбоблар уни сиёсий майдонга қайтишга қатъиян даъват этмоқдалар. Сония Ганди улар даъватига розилик берадими, йўқми? Бу саволга С. Гандининг Аметхи округига қиладиган сафаридан сўнг аниқ жавоб бериш мумкин. Бундай сафарни С. Ганди 20 август куни амалга оширди. Бу кун Ражив Гандининг туғилган куни ҳисобланади.

... ШУ ОРАДА Ражив Гандининг асосий қотиллари ҳисобланган Сиварасан ва унинг шериги Субха тақдирига доир хабарлар эълон қилинди. Ҳиндистон хавфсизлик хизмати вакилининг хабар беришича, Сиварасан ва Субха қўлга олиш пайтида ўзларини ўзи ўлдирганлар. Уларни қўлга тушириш пайтида қароргоҳда қотиллар билан бирга бўлган кишилар ҳам заҳар ютиб, ўзларини ҳалок қилганлар.

АРМИЯ АРАЛАШИШИ МУМКИН

● МАДАГАСКАРДАГИ фавқулодда ҳолат яна 15 кунга узайтирилди. Чунки, оппозициячи кучлар томонидан эълон қилинган иш ташлашлар ва ҳукуматга қарши чиқишлар 11 ҳафтадан буён давом этмоқда. Фавқулодда ҳолатни узайтириш тўғрисидаги қарорга мамлакат президенти Дидье Рацирака ва бош вазир Ги Вилли Разанамаси имзо чекдилар.

Ўтган душанба куни эрталаб қуролли кучлар вакиллари баёнот эълон қилиб, армия Рацирака томонини ҳам, оппозициячилар томонини ҳам олмайди, балки, ўтиш даври ҳукуматини тузиш тарафдоридир, дедилар. Халқаро шарҳчиларнинг фикрича, ҳарбийларнинг бу баёноти зарур бўлиб қолган пайтда улар вазиятга аралашишлари мумкин, деган хулосани англатади.

● ЖАҲОНДА энг бой аёл ким? Бу саволга жавоб бериш осон эмас. Қатор мамлакатлардаги матбуот саҳифаларида 20 га яқин ном тилга олинади. Шундай бўлса ҳам умумлаштирилган маълумотларга қараганда, жаҳондаги энг бой аёл Англия қироличаси — Елизавета II ҳисобланади. Унинг жами бойлиги 7 миллиард фунт стерлингга етади, деб ҳисобланмоқда. СУРАТДА: Елизавета II ўз волидаси билан.

ТАСС суратн.

ҲАРБИЙ БАЗАЛАР ҲАҚИДА ШАРТНОМА

● АМЕРИКА Қўшма Штатлари ҳамда Филиппин ҳукумати шу ҳафта ичида АҚШнинг Филиппиндаги Субик-Бей ҳарбий базасига тааллуқли шартномани имзолаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Шартнома имзолангудек бўлса, АҚШ томони мазкур ҳарбий-денгиз базасидан яна ўн йил давомида фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади.

ЯНГИЛИКЛАР ТЎЛҚИНИДА

● ЮГОСЛАВИЯ ҳудудидаги миллатлараро ҳарбий тўқнашувлар ҳамон тинчимаётир. Хорватиянинг қатор ноҳияларида ички ишлар вазирлиги қисмлари билан хорват гвардиячилари ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди., Натижада маъмурий бинолар, касалхоналар, турар-жой иморатлари вайрон бўлди.

● ФРАНЦИЯ Гвианасидаги Куру космодромидан «Ариан» ракетаси ёрдамида Европанинг «Интелсат-6» алоқа йўлдоши ер орбитасига чиқарилди.

● ЖОРИЙ йилнинг биринчи ярмида Совет Иттифоқи билан Корея жумҳурияти ўртасидаги савдо-сотиқ ишларининг умумий ҳажми 523 миллион долларни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврида-гига нисбатан деярли бир ярим баробар кўпдир.

● БМТ Бош котиби Хавьер Перес де Куэльяр ҳукумат вакиллари билан Фарабундо Марти номидаги миллий-озодлик фронти ўртасидаги музокараларда шахсан воситачилик қилиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрни билдирди.

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Рўзнома ҳузуридаги ҳуқуқ, социалистик қонунчиликни тарғиб қилиш жамоатчилик кенгашининг аъзоси, юрист А. ҲАСАНОВ меҳнаткашлардан келган саволларга жавоб беради:

САВОЛ: биз хизмат юзасидан вилоятимиз ноҳияларига тез-тез сафарга чиқиб турамиз. Эшитишимизга қараганда ҳозир сафардаги ҳаражатлар учун тўланадиган маблағ кўпайтирилган эмиш. Айтинг-чи, янги қонда бўйича кунига кетадиган ҳаражатлар учун ҳақ тўланишида қандай янгиликлар бор!

Н. ҲАМИДОВ,
К. ПУЛАТОВ,
Тошкент шаҳри.

— ЖАВОБ: ҳа, бор. Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 июнида эълон қилинган Фармонига кўра 1 июндан эътиборан ишчи ва хизматчиларни хизмат сафарига боришлари муносабати билан кетадиган (бориш ва келиш учун сарфланадиган йўл ҳаражатларидан ташқари) қўшимча ҳаражатлар корхона, ташкилот ва муассаса ишчи ходимларига қуйидаги миқдорда берилади: Москва, Ленинград, республикаларнинг пойтахтларига борувчилар учун кунига 25 сўмдан, бошқа шаҳарлар ва аҳоли пунктларига сафарга юборилган ишчи-хизматчиларга кунига 20 сўмдан тўланади.

Бундай тўловлар сафарга борилганини тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўлиши, бўлмаслигидан қатъий назар берилади. Бюджет маблағлари ҳисобидан ҳаражатларни қоплаш нормаларининг ошгани билан боғлиқ қўшимча сарфлар 1991 йилда корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган.

●

САВОЛ: мен иккинчи гуруҳ кўзи ожиз ногирон ҳисобланаман. Меҳнат таътилига чиқиш арафасида турибман. Айтингчи, ҳозир менга 18 иш кунидан таътил кунлари беришмоқчи. Шу тўғрими!

К. СОБИРОВА,
Янгийўл шаҳри.

ЖАВОБ: йўқ, нотўғри. Амалдаги (1991 йил 4 апрель) тадбиқ қилинаётган қоидага биноан учинчи гуруҳ ногиронларига ҳамда уйда ишловчи 1 ва II гуруҳ ногиронларга меҳнат таътили кунлари 18 кундан 24 кунга узайтирилган

Янги Қонунда айтилганидек, энди барча 1 ва II гуруҳ ногиронлар учун қандай корхоналарда ишлашларидан қатъий назар, кунига 6 соатлик (ҳафтасига 36 соат), III гуруҳ ногиронлар, шунингдек 1 ва II гуруҳ уйда ишлайдиган ногиронларга таътил кунлари 24 иш куни (агар улар юқорироқ имтиёзлардан фойдаланмайдиган бўлсалар) баробарида берилади.

Ишлаётган қарилик пенсиясига чиққан 1 ва II гуруҳ ногиронларга (ўзларининг ҳохишларига қараб) иш ҳақи сақланмайдиган таътил кунлари икки ой муддатга берилади.

Бизнинг суҳбат

ТАЪМИНОТНИ ЯХШИЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ

ВИЛОЯТИМИЗДА мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва савдо ширкати бирлашмаси яқиндагина иш бошлади. Хўш, бу янги бирлашма қандай мақсадда ташкил этилди, унинг бош вазифаси нималардан иборат? Биз бирлашма бошқаруви раиси Жасур ЭРГАШХЎЖАЕВ билан ана шулар ҳақида суҳбатлашдик.

— Жасур ака, аввало бирлашманинг тузилиш йўли, иш усули, вазифасига тўхталсак. Зеро, буни ҳали кўпчилик билмайди.

— Тўғри айтдингиз, бизнинг мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш, сақлаш ва савдо ширкати бирлашмамиз 1991 йилда жумҳурият Президентининг фармойишига кўра вилоят маслаҳат жамиятлари уюшмасига қарашли тайёрлов ва ширкат савдоси ҳамда бозорлар бошқармаси асосида ташкил этилди. Бу бирлашма зиммасига юклатилган вазифалар кўлами анчагина кенг. Биз колхоз, совхозлар, аҳолининг шахсий томорқаларидан ва фермер хўжаликларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва аҳолига сотиш ҳамда умумиттифоқ фондига мол айирбошлаш усулида жўнатиш билан шуғулланамиз.

— Кўриниб турибдики, бирлашманинг хизмати бугунги таъминотдаги аҳвол бирмунча издан чиққан вақтда катта аҳамиятга эга. Унинг иш бошлаганига эса унчалик кўп бўлгани йўқ. Аммо ана шу қисқа муддат ичида ҳам иш оқилона ташкил этилса, салмоқли натижаларга эришиш мумкин. Афсуски, аксарият ҳолларда бизда тузилган янги ташкилотлар ўз йўлини, зиммасидаги вазифани амалга оширишга жуда секинлик билан киришадилар. Натижада энг қулай фурсат ва имкониятлар бой берилади. Бу гапларни шунинг учун айтяпманки, ҳозир айни пишиқчилик даври. Демак, бирлашманинг эртанги иши кўп жиҳатдан бугунги ҳаракатга боғлиқ. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Бизнинг сусткашликка йўл қўйишга ҳақиқатан ҳам, мутлақо ҳаққимиз йўқ эди. Чунки, гап аҳоли таъминоти, бозорни тўлдириш устида боряпти. Хусусан, бу бирлашманинг бош вазифаси ҳамдир. Шунинг учун дастлабки кунларданоқ аниқ режа билан ҳаракат қилишимиз зарурлигини яхши билардик. Аммо сиз айтганингиздек, ҳамма нарса натижа билан ўлчанмоғи керак. Шу жиҳатдан олганда, ҳозиргача амалга оширилган ишлар анчагина кенг бўлди. Ўтган етти ой мобайнида 75 минг тонна картошка, сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари, 15 миллион сўмлик чорвачилик маҳсулотлари, шунингдек, уч минг тонна иккиламчи озиқ-овқат маҳсулотлари хом ашёси тайёрланди. Вилоятимиз аҳолисига бирлашманинг 400 та дўкони орқали 53 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди. Жумладан, уч минг тонна гўшт, 13 минг тонна сабзавот ва резаворлар ҳамда бир миллион дона тухум аҳоли дастурхонига етказиб берилди.

Булардан ташқари бозорларда ишни тўғри ташкил этишга, уларни зарур маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳаракат қилаяпмиз. Ўтган етти ой мобайнида вилоятимиздаги 21 та бозорда 7047 тонна картошка, 16264 тонна сабзавот, 9323 тонна мева, 2,1 тоннадан ортиқ полиз ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотилди. Бу 1990 йилнинг ўтган даврига нисбатан 5 минг тонна кўп маҳсулот олиб келинди, деган сўздир.

— Ўзингизга маълумки, шу йилнинг 8 август куни вилоят қишлоқ хўжалиги, агросаноат комплекси ходимлари, партия, совет ва хўжалик раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб-териб олиш, ғамлаш ва сақлаш, айниқса, қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини таъминотида узилишга йўл қўймаслик масалалари атрофлича муҳокама қилинди, режалар белгиланди. Хусусан, ана шу кенгашда сиз раҳбарлик қилаётган бирлашма номига ҳам айрим эътирозлар билдирилди. Ундан қандай хулоса чиқарилди? Ани шулар ҳақида тўхталсангиз.

— Дарҳақиқат, бу йилги вазият қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжаликлар, бу маҳсулотларни қайта ишловчи ва сақловчи корхоналар ҳамда ташкилотлар зиммасига жуда катта, масъулият юкламоқда. Кенгашда жуда тўғри таъкидланди. Бугун бировдан ёрдам кутадиган пайт эмас. Шундай экан, биринчи навбатда вилоятимиздаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланмоғимиз шарт.

Бизнинг бирлашмамиз жамоаси ҳам буни тўғри тушуниб етмоқда. Бирлашма 13,6 минг тонна сабзавот, 1500 тонна мева ҳамда 1850 тонна бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларни сақлашга мослаштирилган омборхоналарга эга. Умуман, биз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, 1991-92 йилги қиш мавсуми учун 23,7 минг тонна картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотларини сифатли сақлаш юзасидан тадбирлар белгиладик. Ҳозир бутун ҳаракат ана шунга қаратилган. Бундан ташқари 950 тонна турли сабзавот тузламалари тайёрлаймиз.

Кенгашда вилоят аҳолиси эҳтиёжи учун танқислик сезилаётган бошқа маҳсулотларни қўпайтиришда бартер усулидан фойдаланиш ҳақида қайта-қайта гапирилганлиги бежиз эмас. Чунки бу усул биз учун қўшимча имкониятдир. Бирлашмамиз ана шу имкониятни тўлиқ ишга солмоқда. Мол айирбошлаш учун Иттифоқимизнинг бошқа жумҳуриятлари ва вилоятларига шартномалар асосида 7,3 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жўнатдик. Ана шу маҳсулотлар ўрнига биз 19 миллион сўмлик озиқ-овқат ва 14,7 миллион сўмлик саноат моллари олиб келамиз. Ҳозиргача вилоятимизга шартнома бўйича 10,7 миллион сўмлик мол келтирилди. Шуниси диққатга сазоворки, бунинг 9,8 миллион сўмини бевосита озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этади.

Бу борадаги фаолиятимиз кўламини кенгайтириб боряпмиз. Ҳозирги кунда бирлашмамизда 13 та гуруҳ тузилди. Улар Россия федерацияси, Украина, Белоруссия ва бошқа жумҳуриятлар билан бартер усулида картошка, ғалла, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарларни айирбошлаш юзасидан иш олиб бормоқдалар.

Лўнда қилиб айтганда, бирлашмамиз жамоаси ўз зиммасидаги вазифани ҳис этмоқда ва вилоятимиз аҳолисини қишлоқ хўжалик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлароқ таъминлашга ҳисса қўшиш учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Суҳбатдош
Ф. МУҲИДДИНОВ.

«ПОЛИТОТДЕЛ»ДА ХАЛҚАРО УЧРАШУВ

Ўрта Осиё жумҳуриятлари спортчилари Осиё ўйинларида илк бор қатнашиш учун тайёргарлик кўряптилар. Шу мақсадда бизга қўшни бўлган мамлакатлар билан спорт соҳасида ҳамкорлик қилинмоқда. Яқиндагина Герман Титов номли жумҳурият Олимпия ўринбосарлари спорт билим юрти Хитой халқ жумҳуриятига ташриф буюришган эди. Энди эса ўз навбатида хитойлик футболчилар Ўзбекистонда бўлиб Тошкент, Наманган, Самарқанд, Олмалиқ шаҳарларига сафар уюштиришди. Команда 1973-74 йилларда туғилган болалардан ташкил топган.

Меҳмонлар ўтган ҳафта «Политотдел» футболчилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказишди. Қизиқарли ўтган бу ўйинда майдон эгалари 4:2 ҳисобида ғалаба қозонишди. Тоҳир Гизатулин икки марта, Григорий Колосовский ва Борис Бокановлар бир мартадан тўп киритишди. Меҳмонлардан эса, Абдурашид ва Юе Хун Жун тўп муаллифлари бўлишди.

—Ўзбекистонда футбол ўйини юқори даражада эканлигини ўз кўзимиз билан кўрдик, — дейди делегация раҳбари, Цзян Цян спорт интернати директор ўринбосари Чен-Чун. Биз бу ерда кўп нарсаларни ўргандик. Жамоамиз аъзолари Абдурашид, Чоу Хон Яян, Қаҳҳор, Жан Мин ва бошқалардан умидимиз катта. Улар ҳозирги кунда мамлакат ёшлар терма командасига номзоддирлар. Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва биродарлик алоқалари спорт соҳасида ҳам жадал ривожланади, деб умид қиламиз.

А. ИМОМХЎЖАЕВ.

◎ Суратда «Политотдел» ўйингоҳида бўлиб ўтган ўртоқлик учрашувидан лавҳа акс эттирилган.

Суратқаш В. ТУРАЕВ.

БИЗ СИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ИШ ОЛИБ БОРИШГА ТАЙЁРМИЗ!

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Оржоникидзе ноҳия матлубот жамиятлари уюшмаси қошидаги Ўзбекистон жумҳурияти «ТОШКЕНТ» мол-хом ашё универсал биржасининг брокерлик идораси Сизлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш учун тайёр.

Брокерлик идораси ўзаро манфаатли мақсадларни кўзлаб сизнинг хом ашё, товар, техника, ускуна ва бошқа маҳсулотларингизни иттифоқдош жумҳуриятларга сотиб бериш шу билан бирга буюртмаларингизга мувофиқ иттифоқдош жумҳуриятлардан хом ашё, товар, техника, ускуна ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш хизматларини ўз зиммасига олади ва бу ишларни амалга оширилишига КАФОЛАТ БЕРАДИ.

Сиз билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришдан хурсандмиз.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Оржоникидзе ноҳия матлубот жамиятлари уюшмаси қошидаги брокерлик идораси, Қибрай қўрғони, Ҳамза кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 63-245, 61-545, 61-676.

Тошкент шаҳрида: Ўзбекистон кўчаси, 45-уй. «Ўзбекбирлашув» бошқарув ҳайъатининг идораси. Ўзбекистон жумҳурияти «Тошкент» мол-хом ашё универсал биржаси.



ҲИНД ХАЛҚИГА ТУҲФА

● Машҳур рассом, СССР Давлат мукофоти совриндори Баҳодир Жалолов «Абадий ва янги Ҳиндистон» деб аталувчи полотносини ниҳоясига етказди. Бу тасвирларда Ҳиндистон давлат ва жамоат арбоблари, шоирлари, бастакорлари, рассомларининг сиймоси акс эттирилди. Болалигиданоқ ҳинд санъатини севиб қолган мўйқалам устаси асарни яратишдан олдин қаҳрамонлари таржимаи ҳолига оид китобларни кўп ўқиб, ўрганди. Бу эса ёрқин қиёфаларни яратишда қўл келди. Яқинда «Абадий ва янги Ҳиндистон» картинаси Ҳиндистонга юборилди ва ҳинд халқига совға қилинди.

СУРАТЛАРДА: Баҳодир Жалолов Ўзбекистон ССР халқ рассоми Чингиз Ахмаров билан; юборилган асарлардан бири.

Суратқаш Р. ШАГАЕВ (ЎзТАГ).

*

• АДИБ ИЖОДХОНАСИДА

„МАШЪАЛ“НИНГ ДАВОМИ БОРМИ?

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Ҳамид ҒУЛОМ билан мулоқот

«МАШЪАЛ» романи босилиб чиққандан сўнг қўлма-қўл бўлиб кетди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай унинг иккинчи китоби чоп этилди. Асар қаҳрамонлари Эъзозхон ҳақидаги оташин фикрлар, Мирҳосил ва Лаълихонларнинг тақдири ҳақидаги ҳайратомуз суҳбатлар... Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом билан ҳам суҳбатимиз асосан шу асар теварагида бўлди.

— Ҳамид ака, «Машъал»ни ёзиш фикри сизда қачон туғилган? Романга материалларни қандай йиққансиз? Унинг ёзилишига туртки бўлган воқеа борми?

— Одатда, буни ўзингиз ҳам яхши биласиз, гулхан учқундан, чўғдан пайдо бўлади. «Машъал»нинг учқуни — болалик хотираларим.

Бобом мулла Ғулом тўғон қурувчи, аниқроғи, мироб эканлар. У пайтларда тўғон қуриш нақ азобнинг ўзгинаси бўлган. Хусусан, Чирчиқ дарёсига тўғон солишни кўз олдингизга келтиринг. Асов сувга сепоя ташлаш, шох-шабба, тош билан уни бўғишга қанчалаб куч сарф бўлган. Минг машаққат эвазига бунёд бўлган тўғон фақат бир йилга зўрға чидаган. Келгуси йили яна янгидан тўғон тиклангган...

Бобом доимо сафарда юрар, Қўйлиқдан то Хумсонга қадар тинмай кезар эди. Шу хил сафарларда кўпинча мени ҳам ўзи билан бирга олиб юрарди. Ғоят нотинч, аммо юртда буюк инқилобий ўзгаришлар содир бўлаётган йиллар эди ўшанда. Фуқаролар уруши тугаб одамлар эндигина енгил нафас ола бошлаган. Лекин ўт қўйилган қўралардан дудлар сўниб битмаган, сўқмоқларда отлар туёғидан қолган изларни ҳали босиб улгурмаганди. Олис дараларда гоҳи-гоҳида бехос отилган ўқлар қалдироғи юракларни зирқиратади. Бобомнинг таниш-билишлари, улфатлари кўп эди. Сафар пайти биз кирган хонадонларда кўпинча ўша нотинч давр воқеалари ҳақида сўз борарди.

Болаликдан мана шу кўрган-кечирганларим, эшитганларим хотирамга маҳкам ўрнашиб қолган экан. Вақти келиб, қўлимга қалам олиб унча-мунча машқ қилишга киришганимда, улар менга сира тинчлик бермади. Биринчи йирик асарим болалик хотираларидан униб-ўсиб чиқди. Романнинг хамиртуруши мана шу.

— Романдаги воқеалар қайси вилоятларда кечади? Бу муаллиф танлаган жойми ёки тарихий заруратми?

— Ҳозир Бектемир деб номланган даҳани биласизми? Қўйлиқнинг нариги ёғида. Ўша ерлар Қумқишлоқ деб аталган. Қозоқлар Қумовул деб ҳам юритишган. Шу қишлоқнинг ўртасида, яъни ҳозирги Бектемирнинг деярли марказида болохонали уй бўлганди. Пастки қавати чойхона, тепасида қишлоқ шўроси жойлашган. Романдаги барча воқеалар шу Қумқишлоқда кечади. Уни бошқача номламаганман.

— «Машъал»да жуда ҳам кўп қаҳрамонлар иштирок этишади: Умрзоқ ота, Раззоқ, Эъзозхон, Ботирали, Бўронбек, Қамчи, Ўтан... Уларнинг орасида тарихий шахслар ҳам борми?

— Деярли ҳаммаси ўзим кўрган, билган одамлар. Ботиралидан бошлай қолай. Дадам Убайдулла ака ўқитувчи бўлганлар. Юқорида тилга олинган болохонада мактаб очмоқчи бўлганлар. Уни 23 ёшида янги ҳаёт душманлари отиб ўлдириш ган. Эъзозхон масаласига келсак, унинг таъриф-тавсифини онам Қория Темир қизидан кўчирганман. Дадам ҳалок бўлганларидан кейин онам унинг ишини давом эттиришга бел боғлаганлар. Дадам ва онам — Ботирали билан Эъзозхоннинг прототипи бўлиб хизмат қилишган.

Юқорида бобомни тилга олгандим. Бобом: «Очган қўриқ еримни ҳукуматга топшираман, энди куч-қувватим йўқ. Иложи бўлса уни Ўтанга топширсам, у ернинг тилини билади. Ўшанга бер-санглар» деганида, ўша пайтдаги шўро раҳбарлари: «Ерни кимга берамиз — бу бизнинг ишимиз» деб уни идорадан ҳайдаб чиқаришган. Ўша пайтлар ўртаҳол, якка хўжалик деҳқонларни қулоқ қилинаётган пайтлар эди. Эътибор берган бўлсангиз, романдаги Мавлон ака ҳам шундай ўрта деҳқон. Мавлон — маълум маънода бобомнинг образи.

Бўронбек ҳам ҳаётда яшаб ўтган кимса. Уни ниҳоятда золим, ниҳоятда жаллод одам бўлган дейишарди. Ўтан ҳақида айтиб ўтдим. Уни ўзим кўрганман. Йўғон, оқ кўнгил, меҳнаткаш одам эди. Кўпгина қаҳрамонлар ўзим ҳаётда кўрган, таърифини эшитган кишиларнинг образи.

— Лаълихон билан Бўронбек ўртасидаги муносабатлар-чи?

— Шунақа бир муҳаббатни билардим. Ўшани Бўронбек билан Лаълихон ўртасидаги ишқ сифатида тасвирладим. Бирига бу ишқ ҳаёт, бирига эса эрмак. Бирига — кўнгилхушлик, бирига — фожиа. Аслини олганда Бўронбек билан Лаълихон қисмати романнинг дастлабки икки китобини учинчи китоб билан боғлайди ҳам.

— Ўзингиз айтиб қолдингиз, дастлаб романнинг учала китобини ёзишни режажалаштирганмисиз ёки уни давом эттиришни вақт тақозо қилганми?

— Учала китобни ёзишни ният қилиб қўлимга қалам олганман. Дастлабки икки китоби тез ёзилди. Чунки материаллар жуда етарли эди. Архивлар ҳам катта ёрдам берди.

Эътибор берган бўлсангиз, романнинг биринчи китобида туркиялик асирлар ҳақида атрофлича сўз юритилади. Улар зимдан олиб борган кураш барбод бўлади ва ниҳоят, Туркияга жўнатиб юборилади. Учинчи китоб айнан ана шу турклар фаолияти билан боғланган.

— Малол келмаса, учинчи китоб режалари ҳақида батафсилроқ сўзласангиз...

— Дастлаб бир гапни айтиб ўтай: учинчи китобнинг бунчалар чўзилиб кетишига сабаб бор, албатта. Мен турк асирларидан баъзилари билан учрашишим, ўша йиллардаги воқеаларнинг ипидан игнасигача билиб олишим керак эди. Бунга жуда кўп вақт керак бўлди. Яна бир асосий мавзу: ўртаҳол деҳқонларнинг ердан ажралиш лари, қулоқ қилиш фожиаларини тасвирлашдир. Мавлон учинчи китобда қамалади, қатағон, очарчилик даврини бошидан кечиради. Учинчи китоб Бўронбекнинг Лаълихон билан учрашувидан бошланади. Ўлимга ҳукм қилинган, ўлди деб ўйлаган одамнинг тирилиб келиши қанчалар даҳшатли!

1918 йил. Биринчи жаҳон уруши тугаб, Германиянинг иттифоқчиси Туркия енгилган. Анвар пошшо, Тальат пошшо, Жамол пошшоларнинг номи бизга ҳам яхши таниш.

Анвар пошшо 1920 йилда Бокуга келади. Шу ерда ўтказилган шарқ халқлари қурултойида қатнашиб, сўз сўрайди. Унга сўз берилган, балки 24 соат ичида Бокудан чиқиб кетиш ҳақида буйруқ бўлган.

Мустафо Камол пошшо — Камол Отатурк Туркия бош вазири бўлгач, турк асирлари ватанига қайтарилади.

Тарих тақозоси билан ўзбек халқининг бир қисми Афғонистон, Туркияга қочиб ўтган. Туркияда ўзбеклар кўп 50—60 мингдан зиёд. 1978 йилда «Ватан» жамияти йўлланмаси билан Туркияга борадиган бўлдим. Аввал Қоҳирага, у ерда учтўрт кун бўлгач, қайтишда Истамбулга кўндик. Ўзбекистондан келганимизни эшитиб, ўзбеклар мен жойлашган меҳмонхонага кириб келишаверди...

— Айтишларича, сиз Михаил Шолохов билан учрашган, «Машъал» юзасидан маслаҳатлашган экансиз?

— Ҳа, шундай бўлганди. Ўша пайтларда Максим Горький номли адабиёт институтида таҳсил олардим. Буюк адибнинг «Очилган қўриқ», «Тинч Дон» романларини қайта-қайта ўқир, у билан учрашишни орзу қилардим. Орадан кўп ўтмай шундай имкон туғилди. Унга «Машъал» устида олиб бораётган ишларимни ҳикоя қилиб бердим.

Иккинчи китобнинг якунида Бўронбек билан содир бўладиган бир воқеа бор. У ашаддий пантуркист Комилнинг тавсияси билан Қумқишлоқдан, севгилиси Лаълидан, суюкли қорабайиридан воз кечади. Бўронбекнинг кўзига Қорабайирнинг кўзлари Лаълихоннинг кўзларидан гўзал туюлади. Хуллас, у ҳўнг-ҳўнг йиғлайди, кейин қорабайирни чопиб ташлайди.

Шолохов ҳикоямни диққат билан эшитди, сўнгра:

— Ҳаёт қонунига риоя қилишни хоҳласангиз, аввал қорабайир, сўнгра унинг эгаси йиғласин, — деди...

Худди шундай қилдим. Шу эпизод романдаги энг чиройли саҳифалардан бири бўлиб қолди.

— Аввал «Совет романининг 50 йиллиги» туркумида дастлабки 15 китоб ичида чоп этилди. Максим Горький, Мухтор Авезов сингари табаррук адиблар билан бир қаторда китобим босилиши мен учун нақадар катта бахт бўлганди! Сўнгра эстон, қозоқ ва бошқа тилларга таржима қилинди. Фақат номи «Первые ласточки» («Биринчи қолдирғочлар») бўлиб кетди. Рус тилида «Светочь» номи билан бир марта босилиб чиқди. Аслини олганда роман қаҳрамонлари янги ҳаётнинг биринчи қалдирғочлари эдилар.

— Роман қаҳрамонларидан ҳозир ҳаётлари борми?

— Онам Қория Темир қизи. Ҳозир 96 ёшдалар, асарни ўша кишига бағишлаганман.

— Романни қайта кўриб чиқиш ниятингиз бор экан деб эшитдим...

— Ҳа, бор. Бу батамом янгидан ёзаман деган гап эмас. Ҳозир Қўқон мухторияти, пантуркизм, панисломизм, босмачилар ҳаракати кўп гапириляпти, бу воқеаларни чуқур таҳлил қилиш ҳақида таклифлар киритилаяпти. Бу гапларнинг «Машъал»га нима алоқаси бор деб ўйларсиз? Ҳозирги қайта қуриш, ошкоралик шароитида тарихий асарларни бир қур яна кўздан кечириш шарт. Кўрганда ҳам тарихни бўямасдан бор ҳақиқатни акс эттирганми, йўқми деган нуқтаи назардан туриб қараш керак. «Машъал»нинг худди шу маънода қайта кўриб чиқишни зарур деб ҳисоблайман.

— Раҳмат, домла! Янги китобларингиз ҳам «Машъал» сингари севимли бўлсин!

Суҳбатдош
Темур УБАЙДУЛЛО.



СУРАТДА: адиб Ҳамид Ғулом набираси билан.

Суратқаш Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

«Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасида янги ишга туширилаётган қозонхона учун ШОШИЛИНЧ РАВИШДА:

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Смена бошлиғи — 580 сўм.

Қозонхона ускуналарини таъмирлаш бўйича механик — 490 сўм.

Энергетик — 490 сўм.

Иссиқлик узатиш бўйича мастер — 480 сўм.

Қозонхона катта машинисти — 690 сўм.

Қозонхона машинисти — 630 сўм.

Қозонхона ускуналарини таъмирловчи, 5—6 разрядли чилангарлар — 590 сўм.

4—6 разрядли электромонтёрлар — 540—590 сўм.

Ўлчов назорати ускуналари (КИПиА) ва Автоматика чилангарлари: 5—6 разрядли — 590 сўм.

Бирлашма ишчилари қуйидаги имтиёзлардан фойдаланадилар:

— ишга қатнаш текин (хизматчи автобуслар ёрдамида),
— чакана нархнинг ортиши билан боғлиқ товон, иш ҳақига қўшимча 100 сўм миқдорида.

Юқорида санаб ўтилган касблар бўйича ишлашни хоҳловчи шахслар билан алоҳида шартномалар тузилади, муҳтожлар навбатдан ташқари квартиралар билан таъминланадилар, шахсий уй қуриш ёки сотиб олишни хоҳловчиларга узоқ муддатли қарзлар (ссуда) ажратилади, оилаларнинг кўчиб келиши учун маблағ ажратилади.

Бирлашма ихтиёрида 6 та болалар боғчаси, профилакторий, спорткомплекси, гўшт, сабзавот ва цитрус мевалар билан таъминловчи ёрдамчи хўжалик бор.

Бирлашма маҳсулот айрибошлаш йўли билан ноёб маҳсулотлар олмоқда.

Бирлашмага ишлашга таклиф этамиз.

Маълумотлар 3-79-05 телефони бўйича Ангрен шаҳрида. Код 37166.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси
«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг тажрибавий ҳажмли-блокли уйсозлик комбинати қошидаги
5-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1991-1992 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти Тошкент шаҳридаги қурилишларда ишлаш учун қуйидаги ихтисослар бўйича малакали ишчи кадрларни тайёрлайди: бўёқчи-сувақчи, қурилиш дурадгори, электр пайвандчи, сувақчи-пардозловчи-плиткачи, ғишт терувчи.

Билим юртига 6 ва 10 ойлик гуруҳларда ўқиш учун Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ўрта маълумотлилар қабул қилинади.

3 йиллик гуруҳларга эса 9-синфни битирганлар қабул қилинади.

ЎҚИШ ДАВРИ — УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртида 3 йил ўқиб-битирганларга ўрта маълумот тўғрисида аттестат, диплом ва эгаллаган касби бўйича малака разряди берилади. 6 ой ва 10 ой ўқиганларга эгаллаган ихтисоси бўйича диплом ва малака разряди берилади.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини «ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг қурилиш объектларида ўтказадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 фоизи тўланади. ҲАМДА ҲАР ойда 6 ой ўқийдиган гуруҳларнинг ўқувчиларига 160 сўмдан, 10 ой ўқийдиган гуруҳларнинг ўқувчиларига эса 80 сўмдан, 3 йил ўқийдиган гуруҳларнинг ўқувчиларига 40 сўмдан нафақа берилади.

3 йиллик гуруҳларда ўқийдиган ўқувчилар бепул кийим-бош ва ҳар куни овқат билан таъминланадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига йўлланма билан ўқишга юборилади.

БИЛИМ ЮРТИДА БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК, НАҚШ ТУГАРАКЛАРИ ВА СПОРТ СЕКЦИЯЛАРИ МАВЖУД.
Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади.

ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома (асли), характеристика, яшаш жойидан ва соғлиғи ҳақида маълумотномалар, 6 дона сурат (3х4 см).

Билим юрти манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Астрахан кўчаси, 12-уй, 5-ўрта ҳунар-техника билим юрти, 66, 161, 55-автобусларнинг «57-мактаб», 22-автобуснинг «Дегтярев кўчаси», 5, 26-трамвайларнинг «Восток» кинотеатри, 1-трамвайнинг «Дегтярев кўчаси» бекатлари.

МАШҒУЛОТЛАР — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Телефонлар: 91-26-47, 91-29-50.



«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ ТАЖРИБАВИЙ ҲАЖМЛИ-БЛОКЛИ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

МАОРИФЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ

ЎРТА Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон ССЖ халқ таълими ходимлари ўртасида яқин алоқа боғланган. Маориф соҳасида йўлга қўйилган бундай ҳамкорлик янги ўқув йилида ҳам янада мустаҳкамланади.

Ана шу эзгу ният Ўзбекистон билан Тожикистон мактабларида таълим ва тарбия ишларини яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирлиги жумҳурият ўқув-методика маркази бир гуруҳ мутахассисларининг яқинда қардош тожик диёрида бўлиши бу соҳада кенг қамровли ишлар олиб бориш учун имконият яратди. Душанбе шаҳридаги ўзбек ва тожик маорифчиларининг учрашуви чоғида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Шу келишувга биноан ҳар икки жумҳурият ўқитувчиларини зарур ўқув методик адабиётлар, кўрсатмали техника воситалари билан қуроллантириш режалари белгиланди. Мактабларни турли дарслик, ўқув фильмлари ва диафильмлар билан таъминлаш ҳам кўзда тутилмоқда.

А. АЛИЕВ.

«91-ЙИЛ МАКТАБИ» КЎРИК ТАНЛОВИ

Таълим-тарбия ишларини юқори поғонага кўтаришда «Ўқитувчи-91» кўрик-танлови яхши самара берди. Вилоятимизда бу тадбирда фаоллик кўрсатган ижодкор ва фидойи ўқитувчилардан бир неча киши ғолиб сифатида бепул йўлланма билан Украина, Белоруссия ва Болтиқбўйи жумҳуриятларида бўлиб қайтишди.

«91-йил мактаби» кўрик-танлови ҳам бундай таълимий ишнинг давоми сифатида кўпчилик педагогик жамоалар эътиборини ўзига тортди. Шу кунларда қизғин давом этаётган бу тадбир ўзининг иккинчи босқичига қадам қўйди.

Саралаш танлови янгиғ ўтадиган мазкур босқич талабларига биноан ўзига хос ҳужжатлар ҳам тайёрланди. Вилоятимиздаги барча районлардан биттадан халқ таълими муассасаси тўғрисида ҳикоя қилувчи альбомлар ҳозирланди.

ЛИЦЕЙДА БЕПУЛ ТАҲСИЛ

«Узплодовоштранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси болажон корхоналардан чиқиб қолди. Ҳозир унинг оталиғида бир неча таълим-тарбия даргоҳи бор.

Тошкентнинг Сергели районида янги ташкил топган лицей ҳам корхона маъмурияти эътиборидан четда қолмади. Биринчи сентябрда ўғил-қизларга ўз бағрини очадиган бу билим даргоҳи физика-математика йўналишида чуқур таълим беришга қаратилган эмасми, шубҳасиз, унда асосан қобилиятли ўқувчи-ёшлар таҳсил олишади. Бундай иқтидорли ўқувчилардан бир гуруҳ бирлашма кўрсатган ҳиммат туфайли бепул ўқийдиган бўлди. Истеъдодли ўқувчиларга сарфланадиган маблағнинг бир қисмини Тошкентдаги тажриба-техника заводи жамоаси ўз зиммасига олди.

А. АКБАРОВ.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353, масъул котиб ўринбосарлари — 325750, бўлимлар: мафкура, ёшлар ҳаёти ва ахборот — 325778, 325645, 337010, Қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти — 325733, ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767, адабиёт ва санъат — 325553; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354, жамоатчи кенгаш қабул хонаси — 33-40-48, 325354, эълонлар бўлими — 325727.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 22.00.